

**“ШАРҚ МЕВАХҲҲРИ (*GRAPHOLITHA MOLESTA BUSCK*)”БИОЛОГИЯСИ  
ВА ТАРҚАЛИШИ****Мирабдуллаева Нилуфар***2 -босқич докторант***Рахмонова Мадинахон Кимсанбоевна***Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини кафедраси мудири*

**Анотация** Шарқ мевахўри – (*Grapholitha molesta Busck*).*Insecta* синфи, *Lepidoptera* отряди, *Tortricidae* оиласи, *Grapholita* авлодига мансуб ички карантин хашарот хисобланади.

**Калит сўзлар;** *Grapholitha molesta Busck. Insecta Tortricidae Lepidoptera*

**Кириш** Шарқ мевахури дунёда кенг тарқалган хашарот. Шарқ мевахури ватани Хитой ва Корея давлатлари хисобланади. Шарқ мевахури зараркунанда сифатида биринчи марта 1899 йилда Японияда, 1913 йилда эса Америкада аниқланган булиб, 1959 йилда Жанубий Австралия, кейинроқ Бразилияга тарқалди. 1970 йилларга келиб Урта ер денгизи атрофларига ҳам тарқалиб улгурди. 1980 йилга келиб Ўзбекистон худудида ҳам Шарқ мевахури тарқалганлиги маълум булди. Бугунги кунда Шарқ мевахури Ўзбекистоннинг Андижон, Наманган, Самарканд, Фаргона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида тарқалган.

**Капалаги:** Умумий ранги кулранг-кунгир. Олдинги канотининг олд қисмида етти жуфт «куштироксимон» ок доғлари бор. Шундан туртгаси канот киррасида аниқ қуриниб туради. Канотининг ташки бурчакларида етти дона қора доғи бор. Орқа канотларида кенг кулранг-кунгир ва бронзасимон-бахмалсимон қопламга эга. Муйлови ипсимон булиб олд каноти узунлигининг ярмини ташкил қилади, ингичка ва билинар-билинемас ок туклари бор. Лаб қисми оч-кунгир, қорин қисми тук-сарғиш кунгир, қорин қисмининг пасти эса ипаксимон ок рангда оёқлари қорамтир рангда, сарғиш ок қалта туклар билан қопланган. Канотларини ёзганда 12-14 мм қатталиқда. Ургочи қопалак эркагига нисбатан қаттароқ булади.

**Тухуми:** Овалсимон, чузинчок, ярим тиник ок ялтироксимон, етилиши давомда қизғиш тусга қиради, хиралашиб қолади, шундан сунг 15-48 соат ичида тухумдан личинкалар чиқа бошлайди, личинкани бош қисми қора рангда, узунлиги 0,4-0,5 мм, эни 0,15 мм қатталиқда булади.

**Личинкаси:** Тухумдан чиққан личинкалар сутсимон ок рангда, бош қисми қора рангда, қурак қисми тук рангда ва аналь қисмида туқи булади. Қатта ёшдаги личинкалари қизғиш-кулранг тусда булади. Қатта ёшдаги личинканинг танасидаги туклар кунгир-кулранг тусда булиб, олхури қуртидан фарқ қилади. Бош қисми сарик жигарранг, қурак атрофида ва лунж қисмида қора доғлари бор. Олдинги қурак қисми сарғиш-кунгир рангда. Орқа чиқарув органи сегментлари оч сарғиш кунгир рангда, қора доғлари бор. Орқа чиқарув органи сегментлари аналь чиқарув органи тепасидан 4-7 тишли тароққа ухшаш аналь тароқлари мавжуд.

**Гумбаги:** Корин кисмининг елка томонида икки катор жигарранг чизиклари бор. Кузлари кора, мураккаб тузилган. Корин кисмининг охирида 10-180 та турли ктталиқдаги тиканлари бор. Ён томонида орка ва жинсий чикарув тешикларида баландрокда 1-2 та туклари мавжуд. Гумбак узунлиги 6 мм дан иборат.

**Пилласи:** Овалсимон пишиқ ва атроф мухит рангидан кам фарқ килади. Ёзги пиллаларни меваларида, дарахт таналарида, кучатларда ва бошка жойларда учратиш мумкин. Пилла узунлиги 12,5 мм булади.

**Биологик хусусияти:** Шарк мевахурининг личинкалари пишиқ ипак-пилла ичида дарахтлар танаси, пустлоқлар орасида тупрокдан 5-50 см баландликда кишлайди баъзан тупрокдаги усимлик колдиклари орасида баъзи чириган мевалар ичида ҳам кишлаб чикади. Бахорда (шафтоли ва урик гуллаган даврда) шарк мевахурининг личинкаси гумбакланади. Хаво харорати уртача 15 С булганда капалақлар уча бошлайди. Бир неча кундан кейин ургочи зот тухум куйишга киришади. Хар бир зот бир нечтадан 100 тагача тухум куйиши мумкин. 7-12 кундан кейин (бахорда) тухумдан курт чиқиб, новданинг усиш нуктасига кемириб киради ва узагидан пастга караб 6-11 см ли йулак очади. Каттик қисмга келгач кемириб ташқарига чикади ва бошка новдага (ёки мевага) киришга харакат килади. Новданинг зарарланган қисми сулиб қурийди, у чеканка қилингандек шохлаб кетади. Шарк мевахурининг куртлари новдалардан ташқари олма курти сингари дарахт меваларини ҳам шикастлаши мумкин. Бунда данакли мевалар ичида (9-14 кун) уругли мевалар ичидан кура (16-24 кун) камрок вақт булади. Озикланишни тугатгач ташқарига чиқиб турли панарок жой топади ва зич пилла ясаб ичида гумбакка айланади. 8-17 кундан кейин янги авлод капалақлари пайдо булади. Шарк мевахурининг бир авлоднинг ривожланиши учун турли иқлим-шароитда 24 кундан 65 кунгача вақт талаб этилади. Ўзбекистон шароитида шарк мевахури 3 тадан 5 тагача авлод бериши мумкин.

**Зарари:** Шафтоли кучатларини зарарлаш давомида, кучат танаси ичида 12-15 см узунликда йул очади, натижада кучат учки томонидан сулиб қолади, барглари тушиб кетади, усимлик усиши секинлашади ва букилиб қолади. Олма ва нокнинг ёш кучатларида личинка 1-2 см гача кириб боради, зарарланган қисмлар кораяди ва қурийди. Зарарланган кучат қисмларини чикаришда ва елимли томчиларни учратиш мумкин. Битта личинка 4-5 та кучатни зарарлаши мумкин.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1 1.Рахмонова, М. К., & Мирабдуллаева, Н. (2022). АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ШАРҚ МЕВАХЎРИ–GRAPHOLITHA (LASPEYRESIA) MOLESTA BUSCK. ТАРҚАЛИШИ ЗАРАРИ. *INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING*, 1(9), 315-318.

2.Raxmonova, M. K. (2022). MEVALI BOG ‘LARDAGI KALIFORNIYA QALQONDORI BIOLOGIYASI, ZARARI VA UCHRASH DARAJASI. *INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING*, 1(8), 388-391.

3. Kimsanboevna, R. M., & Qodirjonovna, Q. M. (2023). YANGI TURDAGI INSEKTITSIDLARNING OLMA MEVAXO 'RI MIQDORINI BOSHQARISHDA QO 'LLASH VA UNING SAMARADORLIGINI ANIQLASH. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 3(3), 181-185.
4. Raxmonova, M. K. (2020). EFFECTIVENESS OF MICROBIOLOGICAL PRODUCTS AGAINST PEROMONOUS TRANSMISSION IN APPLE FRUIT IN ORCHARDS. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(6), 3452-3456.
5. Raxmonova, M. K., & Mirabdullayeva, N. (2022). SYSTEMATIC ANALYSIS OF THE DOMINANT ENTOMOPHAGE SPECIES IN THE GARDENS OF THE ANDJJAN REGION. *Science and Innovation*, 1(1), 227-235.
6. Raxmonova, M. K. (2022). MEVALI BOG 'LARDAGI KALIFORNIYA QALQONDORI BIOLOGIYASI, ZARARI VA UCHRASH DARAJASI. *INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING*, 1(8), 388-391.
7. Рахмонова, М. К., & Парпиева, М. (2022). МЕВА ДАРХТЛАРИГА ТЎҒРИ ШАКЛ БЕРИШ ВА БУТАШНИНГ ҲОСИЛДОРЛИКГА ТАЪСИРИ. *Экономика и социум*, (4-3 (95)), 309-311.
8. Рахмонова, М. К., Шарипова, М., & Мирабдуллаева, Н. (2022). АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ШАРҚ МЕВАХЎР (GRAPHOLITHA MOLESTA BUSCK.) БИОЛОГИЯСИ ТАРҚАЛИШИ ВА ЗАРАРИ. *Экономика и социум*, (4-3 (95)), 315-317.
9. Рахмонова, М. К., Хамдамов, К. Қ., & Шоимова, Д. (2022). МЕВАЛИ БОҒЛАРДА УЧРАЙДИГАН КУЯЛАРНИНГ ЭНТОМОФАГЛАРИНИНГ ДОМИНАНТ ТУРЛАРИНИНГ СИСТЕМАТИК ТАҲЛИЛИ. *Экономика и социум*, (4-3 (95)), 321-324.
10. Рахмонова, М. К., Тешабоев, Х., & Иброхимов, Н. (2021). МЕВАЛИ БОҒЛАРНИ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ МИКРОБИОЛОГИК УСУЛНИНГ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ. *Экономика и социум*, (10 (89)), 1005-1007.
11. Рахмонова, М. К., & Хамдамов, К. К. (2018). DETERMINATION OF BIOLOGIC EFFECTIVENESS OF TRICHOGRAMMA EMBRIOPHAGUM-THE LARVA EATERS OF APPLE WORMS (CAROСРСА POMONELLA L.). *Наука и мир*, 1(10), 67-68.